

Китобни сиёсий адабий-нашриёти «Красный пролетарий» босмахонаси нашрдан чиқарди.

(ТАСС).



БЕЛЛАШГАНДА ҒАЙРАТ ЖУШАДИ

Нинион районидagi «Оқ олтин» совхози чорвадорлари кишловни муваффақиятли яқунлашяпти. Бу ерда ема-хашақдан тежаб-тергаб фойдаланиш, озукани тўйимли моддалар билан бойитган ҳолда молларга едирин бўйича тажриба тўпланган. Хўжалигини Жума Эшмаматов му-дирлик қилаётган сутчилик фермасы коллективи 1990 йилнинг дастлабки икки ойида сезиларли ютуқларни қўл-га киритди. Айни кунларда чорвадорлар икки ойлик на-тижаларини 1989 йилнинг худди шу даври билан таққослаб, ҳали фойдаланилмаган имкониятларини ҳисобга олиб, чу-қур таҳлил ўтказмоқдалар. Бу ерда ўтган йил ҳар гов-мишдан 3000 килограммгача сут соғиб олган сигирсоғар-лар меҳнат қилишди. Уларнинг ғайрати тўғрйли яқинда уч ойлик лавни удадланганлиги ҳақидаги рапортига имзо чекиди. Давлатга 90 тонна сут тоширишди.

— Тўғри, бу йил қиш нисбатан илқ келди, — дейди ферма мудир. — Лекин бу хотиржамлик учун асос бў-лолмайди. Чунки чорвадор учун ҳар бир кун синов. Охирларда кўк ўт пайдо бўлиши билан маҳсулдорлигини янада ошиши кўзда тутилмоқда.

Ҳа, «Оқ олтин» совхози маъмуричилик бунёдкорлари эл-юрт фаровонлигини ошириш, чорва маҳсулотларини кў-пайтириш учун бутун куч ва имкониятларини ишга сол-моқдалар.

Ш. СУЛТОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Наслчилик бўйича зоотехник Му-хаммади Бердиев (чапда), ферма мудир Жума Эшмаматов ва молбоқар Карим Ҳазратов набатдаги вазиқлар ҳақида суҳбатлашяпти. 2. Озуқа механизмлар ёрда-мида қайта ишланмоқда.

Муаллиф олган суратлар.



Қайта қуриш жонқуярлари

ИНСОН АЗИЗ

— Уч ўғлим бор. Уларга уй қуришни керак, — деди мошгуруч соқоли мўсафиди.

Бир ўзимман. Кекса-йиб қолдим. Жойимни сотиб, туғишганларимникига кета ман, болам, — умид кўзини тикиди унга бир кампир.

— Ерга ўғит солиш ке-рак. Транспорт зарур, — де-ди новчадан келган йигит.

Қобилжон Қодиров ула-рининг сўзларини диққат би-лан тинглаб ҳар бирига те-гишли жавоб қилди.

Совхоз катта хонадон. Барча ташвиш директорнинг бошида. Шу боис бу ердан қадам аримайди. Ҳаммасини ўзига — яраша дарди, юмшуб бор. Рақбар эса ҳам-масига улгуриши керак.

Анджон районидagi Охун-бобоев номили бу совхоз Ха-кан адирларига тушатиб ке-дан 800 тектардан зиёд май-донни эггалашди. Ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос хусу-сияти бор. Одамлар ҳулу-сатори ҳам турлича.

Хакан қишлоғида Йигирма минг киши истиқомат қила-ди. Кўплар шаҳарга катнаб ишлайди. Совхоз ўз тарихи-да биринчи марта 1989 йи-ли сабзавот тайёрлаш пла-нини ортиги билан бажарди. Беш миллион 200 минг ўр-нига 6 миллион 250 минг сўм даромад олindi.

...Совхозга илгари бир неча директор келиб кетди. Лекин хўжалик қаддини кў-таролмади. Олдинги рақбар-лар «жонини койитишди» ишташмади. Ҳосилдорлик паст, планлар бажарилмай қолверди. Одамлардаги кай-фият ҳам шунга яраша бўлди.

Қобилжон шу қишлоқ фар-занди, унинг дарди-ташви-шини, иссиқ-сوغувини яхши билади. Меҳнат қозонида қайнаб пишган. Бригадир, чорва етакчиси, колхоз раи-си бўлиб, шу тушурқда суя-

Муаллиф олган суратлар.

Бободехқонларимизни азал-азалий орау-умидларидан бири рўйга чиқа бошлади: ер уларга — ҳақиқий хў-жайнларига қайтарилмоқда. Бироқ айни пайтда замин-дан унумли фойдаланиш, яъни деҳқончиликни ҳар то-монлама ривожлантириш бо-расида кўпгина муаммолар ҳам вужудга келмоқда. Бу-ни ҳақ этишда нимагиларга эътибор бериш керак? Жа-моатчи муҳбиримиз Тўлкин ЭШБЕКОВ Халқлар дўстли-ги орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги институти мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети деканнинг ўрин-босари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Ф. Ҳ. ҲОЖИЕВ билан ана шу долзарб мавзуда суҳбат-лашди.

— Файзулла Ҳожиевич, серкўш ўлкамиз нафақат пахтачининг, балки юзлаб, минглаб бошқа хил экинлар-нинг ҳам ватани эканлиги шак-шубҳасиз. Лекин тур-ғунлик йилларида пахта як-каҳокимлиги ноҳус асорат-лар қолдирди. Айтийлик, ҳо-зир кўпчилик гўза парвар-шини жуда ехши билади, ўрикни пайвандлашдан эса камдан-кам одам хабардор. Жумҳуриятимизда мевачи-лик соҳасида илмий иш би-лан шуғулланаётган тадқи-қотчи сифатида бу ҳақда нимагилар дея оласиз?

— Бир замонлар бозорда бир тилик қовун еган одам ўша неъматини етиштирган деҳқон ерни кузда неча ма-ротоба ҳайдаган. Қанча гўн ишлатгани, баҳорда қан-дай ишлов берганию ўз бўйи қанча парварши қилганини деярли аниқ айтиб бераман. Еки ота-боболаримиз ўрикни тановул қила туриб, у пай-ванд қилинган дарахтиники, дандан ўсганиникини экан-лигини билганликларига ни-ма дейсиз? Ўша ўрик дарах-ти ариқ бўйидами ёки сув-дан узорқоқдами — буни ҳам қийналмасдан айтишган улар. Бу — ўша пайтларда ўлкамизда яшagan одамлар-нинг деҳқончилик сирлари-дан нечоғли бохабар бўлган-

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛСИН

ликларини англатади.

Бундай миришкорлар ҳар қишлоқда, ҳар оилада бў-лишган. Қўлам чоғи ерга уруғ қадашдан тортиб, ку-зда ҳосилини йиғиштириб ол-гунга қадар бировнинг яна-да ривожлантириш тўғриси-да»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ана шу ҳужжатга биноан барча хўжаликларда ўтган йилдан бошлаб 20 — 25 сотихдан то-морқа берилаяпти. Энди ўша ердан мумкин қадар унум-ли фойдаланиш учун юрт-дошларимизга деҳқончилик, айниқса мева-сабзавот ети-штириш сирларини ўргатиши-миз даркор.

БИЗНИНГ МУСОҲАВА

— Уларга қанақа йўл-йў-риқлар бериш мумкин, деб ҳисоблайсиз?

— Бу масалада ҳам омма-вий ахборот воситаларидан оқилона фойдаланиш зарур. Маълумки, шу кунга қадар пахтачиликнинг кенгроқ ри-вожлантириш мақсадида од-дий деҳқонлардан тортиб энг билимдон мутахассислар-гача ўз мулоҳазалари билан га-зета-журналларда, радио ва телевидениеда мунтазам чиқиб туришди. Устига-уст-так мутахассис-лекторлар хўжаликма-хўжалик юриб, ҳар бир деҳқоннинг қулоғи-га зарур қўйилганликни қў-йишарди. Энди шундай қиз-мал мева-сабзавот етишти-ришда ҳам йўлга қўйилса, айни муддао бўларди. Яна бир гап. Кутубхоналарда пахтачиликни юксалтириш-га хизмат қилувчи китоблар, тўпалмалар, қўланмалар бис-ер. Худди шу каби турли хил

меваю сабзавот етиштиришга онд зарур қўланмалар ҳам чоп этилишни керак. Ҳозир институтимиз мевачилик ва узумчилик кафедрасининг профессорлари, қишлоқ хў-жалиги фанлари докторлари С. А. Островова ва А. А. Рибанов томонидан тайёр-ланган «Ўзбекистон мевачи-лиги» қўланма-китобидан (Тошкент, «Ўқитувчи» наш-риети, 1981 йил) бошқа ўз-бек тилида айтишга аризу-лик тўпалм йўқ...

— Мутахассисларнинг ай-тишларига, бир киши кунига ўртача 350—400 граммдан, йилга 115—120 килограмм-дан мева-чева истеъмол қи-лиши лозим. Сўнгги йиллар-да аҳолининг бу борадаги эҳ-тиёж қай даражада қонди-рилмоқда?

— Турғунлик даврида амалда қилинмаган жуда кўп-лаб юмушлар қозғалди. Оғизда «бажариларди». Ста-тистика маълумотларига қа-раганда, Ўзбекистонда 75-йилларда ҳар одам ўртача 61 килограммдан, 80-йиллар-да эса 95—100 килограмм-дан мева-чева истеъмол эт-ган эмиш. Бу ҳақиқатга мос тушмайди. Аммо 1975 йили АҚШда жон бошига 120 килограммдан, Болгария, Венгрия ва Югославияда 120—140, Францияда эса 160 килограммдан мева ва узум тўғри келганлиги далил.

Модомки, эндиликда ме-вачилик-сабзавотчиликни ри-вожлантиришга кенг аҳа-мий берилаётган экан, барча вилоятларда мевади дарах-ти ҳақида сабзавот экинла-ри экилдиган майдонларни тобора кенгайтиришга, ма-зкур ерларда ҳосилдорлигини оширишга, неъматларнинг сифатини яхшилашга, на-варларни тақомиллаштиришга, жамини ишлаб чиқариш жа-раёларини комплекс меха-низациялашга, бу юмушлар-

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАВАРЛАР • ФАКТАЛАР • ШАРҲЛАР

СЎНГГИ ХАВАРЛАР

УЛАН-БАТОР. Совет ва Мон-гол халқлари қердошларча ҳамкорлигининг турли-туман шакллари ана бир ҳайрли иш билан бойиди. Монголия пой-тахтидаги В. И. Ленин номи-ли совет клуби Б. Монголия ян-гликларни ҳафтаномасининг ре-дакцияси ва Монголпресс агентлиги билан биргаликда бу ерда биринчи бор ҳайрия кечаси ўтказди. МХРдаги даст-лабки Совет—Монголия кўшма ҳайрия тadbириндан тушган пулнинг ҳаммаси МХР болалар фондида ўтказилди.

Кечада монголиялик жами-ятшунслар, социологлар, ар-хеологлар ва хатто мунажжим-лар ҳам иштирок этди.

ҚОҲИРА. Босқинчи маъму-рлар Иордан дарёсининг гэр-бий соҳили ва Ғазо секториде-ги фаластин университетлари-да ўқийшн текқилш муудатиди-ни яна уч ойга чўзаш тўғри-синде қарор қабул қилдилар. Шу муносабат билан МЕНА агентлиги босиб олинган тер-риториялардаги фаластин уни-верситетларининг бешови ҳам 1987 йил декабры ойида ит-тифеда бошлангандан буён ёпиқ эканлигини таъкидладди.

Босиб олинган территория-лар аҳолиси маъмурларнинг

бу қерорига қарши норозилик сифатида ялпи иш ташлаш эълон қилди. Ғазо, Хон Юнус, Рэфах, Бир Зайт шаҳарларида талабаларнинг оммавий намой-ишлари бўлиб ўтди. Ғазо ва Хон Юнус шаҳарларида фалес-тинликлар билан уларга қар-ши ташланган армия бўлима-лари ўртасида бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлди. Ун-лаб кишилар, деб хабар қиле-ди МЕНА агентлиги, ўқ отиш курулларидан яраланди. Фа-ластинлик қочқоқларнинг сек-тордаги берча лагерларида ко-мандантилик соати амал қил-япти.

Фатхнинг Миср Араб Рес-публикасидаги вакили Зоҳид Котра Қоҳирада журналист-ларга хабар қилишчи, Исроил армиясининг ваҳийларча ҳо-ракетлари оқибатида босиб олинган территорияларда ўт-ган кеча-кундузда жами уч юзга яқин киши жероҳатланган ва мажрўқ қилинган. Ғэрбий соҳилдаги Эриха шаҳрида фа-ластинлик ваганерларнинг яна тўртте уйи бузиб таш-ланган.

НЬО-ЮОРК. Кот-д'Ивуар миллий маориф министри Ба-ле Кейте мажрўқ Ғэрбий Аф-рике мамлакатида давом эте-

ётган студентларнинг оммавий намойишлари муносабати билан чоршанба куни истефого-чи қилди. Ассошиэтед прес-с агентлигининг Обиджон радио-си маълумотларига таъйиб ба-бар қилишчи, унинг ўрнига илмий тадқиқотлар министри Алассан НҒидий тайинланди.

Агентлигининг далолат бери-шича, Кот-д'Ивуар ҳукумати ётоқхоналардан фойдаланган-лик учун студентлардан олин-диган ҳақни ҳам икки беравар қамайтиришге рози бўлди.

Бироқ бу тadbирлар ўз та-лаблари тўла қондирилме-гиче курашши давом эттириш ни-ятида бўлган талабаларни тинчлантирилмади. Намойиш-чиларнинг полиция билан тўқ-нашувлари тўхтаймапти. Обид-жоннинг университет шаҳар-часида чоршанба кунининг ўзига 30 га яқин намойишчи қамоққа олинди. «Биз намой-ишларда қатнашверамиз», — деб таъкидлади АП мухбири билан суҳбатда ўз номини айти-тишни истамаган намойиш қатнашчиси.

Студентларнинг қизгин на-мойишлари Обиджонда 19 февралдан буён давом эт-моқда.

(ТАСС).

«ТЕЗ ЁРДАМ»НИНГ ЯНГИ ТУРИ

БРАЗИЛИЯ. ТАСС мух-бири Владимир Голеников хабар беради: Бразилияда янги ташкил қилинган авто-мобиль йўллар медицина «тез ёрдам» отряди «йўл фаршталари» деган ном олди. Бу отряд мамлакатда-ги иккита энг йирик шаҳар — Рио-де-Жанейро билан Сан-Пауло ўртасидаги 400 километрлик «Виа-дутра» ав-томобиль йўлида хизмат қи-ла бошлади.

Халқ орасида «ўлим йў-ли» деб ном олган бу авто-мобиль йўли мамлакатдаги энг серқатнов йўллардан би-ри ҳисобланади. Статистика маълумотларига қараганда, бу йўлдан ҳар кун 70 минг-та автомобиль ўтади, холбу-ки шуларнинг тенг ярми — оғир ку машиналардир. Бу ерда йилга ўртача етти йилг марта йўл-транспорт ҳодисаси бўлади. Ўтган йи-ли авариялар оқибатида 43 минг киши жабрланди, шу-ларнинг ҳар тўққиз нафари-дан бири ҳалок бўлди.

Барча зарур нарсалар, хатто реанимация апаррат-лари билан ҳам таъминлан-

ган микроавтобусларда юр-чи юқори малакали шифо-корлар отряди бўлган «йўл фаршталари» ёрдамида ав-томобиль фожиялари нати-жасида одамлар ҳалок бўли-шини икки бераварадан зиёд қамайтириш мўжжаллана-япти. «Виа-дутри» йўлининг бошланишидан то охиригача «тез ёрдам» постлари қў-йилган бўлиб, улар кечую-кундуз тинимсиз ишлайди. Улар жабрланганлар ҳузу-рига етиб келишн учун кўпи билан 10—20 минут керак бўлади.

Фаластинликлар муҳожир-ларнинг янги кет қўламда-ги оқими бошланишидан ха-вотирга тушмоқдалар ҳамда Иордан дарёсининг ғэрбий соҳили ва Ғазо минтақаси-даги фаластинликлар қўғоло-ғи — Интифада янги куч билан авж олиши мумкин, демоқдалар. Шундай қилиб, деб таъкидланди телерепор-тажида, муҳожирлар Исроил босқинчиларига қарши кура-шаётган фаластин жангчи-лари билан тўқнашадилар. (ТАСС).


БЕТАРАФ ВА ҚЎШИЛМАГАН ДАВЛАТЛАР УЧРАШУВИ

БАЛЛЕТТА. (ТАСС). Мальта пойтахтида Европа-да хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашувчи бета-раф ва қўшилмаган мамла-катлар гуруҳининг уч кун-лик учрашуви очилди. Учра-шуш ишида Австрия, Кипр, Лихтенштейн, Мальта, Сан-Марино, Швейцария, Шве-ция, Финляндия ва Югосла-вия ташқи ишлар министр-лари иштирок этишмоқда.

Мальта бош министрининг халқаро муносабатлар маса-лалари билан шуғулланувчи маслаҳатчиси Эварист Сали-ба бу ерда бўлиб ўтган мух-бирлар билан учрашувда таъкидлаганидек, бетараф ва

қўшилмаган давлатлар шарқ билан ғарб қарама-қарши по-зицияларни эгаллаган пайтда қўшнча бир қанча масала-ларни мувофиқлаштириб, му-росали тақдирлар кирипти, Европада хавфсизлик ва ҳам-корлик кенгаши жараёнида алоҳида роль ўйнайди.

Ҳозирги анжуманда ми-нистрлар Европада оддий қу-ролди қулайла доир, қитъа-да ишонч ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш чора-тадби-рлари борасидаги Вена музо-караларида аришилган сил-жишни, Шарқий Европа мамлакатларидаги аҳолини муҳофиз қилишди.



Муаллиф олган суратлар.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ САХИФА

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Тил ва дил АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Бобур районидagi В. И. Ленин номи 1-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Светлана Юрвона Воронинанинг миллати рус. Уқувчиларга ўзбек тили ва адабиётдан дарс беради. Касбидан ҳам билса бўладики, бу аёл ўзбек тилида мароминга етказиб гаплашади, халқ урф-одатини жойига қўяди. Ҳаттоки некалар билан ўзбек тилининг зеру забарини ўрнига қўйиб сўзлашади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир кун унга «Салом, Света опа» деб мурожаат қилдим.

— Ваалайкум ассалому, — деди қўлини кўксига қўйиб Светлана Юрвона. — Сизга бита танбэх бераман, агар хафа бўлмасангиз. Салом эмас. «Ассалому алайкум», деб сўрашингиз одатларингиз. Ахир, журналистсиз, одамлар сиздан ўрганиши керак. Бу бир ўрси аёлининг маслаҳатида, — деб истеҳзо билан кулиб қўйд.

Яқинда С. Ю. Воронина билан учрашиб, тил ва миллатларро муносабатлар ҳусусида сўхбатлашдим.

— Светлана Юрвона, Ўзбекистонда узоқ йиллардан буён яшаб, ҳаттоки шу ерда туғилиб-ўсган ўзга миллат аҳолиларининг ўзбек тилини билмасликларига муносабатингиз қандай?

— Бу саволнингизга назарий жиҳатдан эмас, оддий ва лўнда қилиб шундай жавоб бераман: Ўзбекистонда яшаб, шу республиканинг нон-тузини еб, халқ тилини менсимаслик маданиятсизлик ва худбинликдан бошқа нарса эмас. Яна бир нарсани айтиш керакки, жуда катта лавозимларда ишлайдиган раҳбарлар, «иссий тарғиботчилар» ҳам бори, ўзбек миллатига мансуб бўла туриб, она тилида гапиролмайдилар.

Махаллий тилини билиш ўзини маданиятчи ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг яшаб, маҳият қилиб турган жойидаги аҳолига нисбатан ҳурмат-эҳтироми равишидир. Уруш йиллари олам, олам ва акам билан Украинадан Тошкентга кўчириб келишди. Онам оғир ботоб бўлиб, касалхонага тушиб қолди. Ушанда мени, акам Артур ва олам Жанани Ховос районидagi Ҳўжақўшиқент қишлоғида жойлашган болалар уйига келтиришди. Ич-кичимиздан эзilib, қўларимизга мўн қўйганида ўзбеклар қўнғилиқини кўтаришган. Ҳўшиятишмаган. Болалар уйда тарбиялана бошлаган кунларданок ўзбек тилини ўргана бошладик ва кейин ўзбек мактабига ўқишга кирдик.

Шахсан ўзим 1958 йили Бобур район марказидаги ўзбек мактабини аёло бақолар билан тавомлаб, Тошкент давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Мана ўттиз йилдирки, мактабда шу фандан дарс бериб келаямиз.

Олти ферзанди тарбиялаб юзга етказган онам. Қўни-қўшниларимиз ўзбек, рус, тожик кишилари. Улар билан яхши кунларда ҳам, амон кунларда ҳам ҳамдард ва суял-чиқмиз.

Оиламиз аъзолари ўзбек тилини ва у халқ урф-одатларини яхши биладилар. Тўю маъракаларда, тантаналарда ҳеч қим-тинмай қатнашаремиз, хизматини ҳам қилаверамиз. Яқинда қизим Любашанинг қўлини Барнолар бошиқ тўйи ўтказишди. Уша тўйда жон дилимиз билан хизмат қилдик.

Яна бир мисол, наварам Олчака мактабимиздаги бир бэйрам кечисида ўзбек миллий кийимда ўзбекча рақсин қойил қилиб баҳардик, томошбинлар унинг хиромига тан беришди.

— «Шарқ юлдузи» журналининг ўтган йилги сонларидан бирда ўқиган эдим, буюк рус аъзачиси Тургеневдан: нега француз тилида асар ёзмайсиз, деб сўрашганда, у авал рус тилида ёзишни ўрганиб олай, деган экан...

— Тўшунерли, аъзучи бу жавоби билан киши ўзга тилини билиш учун авал ўз она тилини пухта эгеллаши лозимлигига шама қилган. Тўғри-да, ҳар бир миллат ўз тили, тарихи, урф-одати, маданиятини яхши билгани холда бошқа миллат тилини, маданиятини, урф-одатини ўрганиши керак. Шахсан ўзим рус, ўзбек ва тожик тилларида бирдай сўзлашаман, ўқийман. Ҳазрати Навоий газалларини ўзбек тилида, Пушкин шеърларини рус тилида, Абдураҳмон Жомийини тожик тилида ўқишга нима етсин.

Светлана Юрвона Воронина билан мактабдан бирга қайтдик. Йил-алайқ дуч келган одамлар билан соф ўзбек тилида сўрашдик.

— Биласизми, эрталаб туриб саломларга шошаман. Одамлар билан саломлашиб сўрашсам, дилим равшан тартади, кўксим тоғдай кўтерилади, — дейди Светлана Юрвона Воронина.

Ҳ. ЗИКИРЛАЕВ.

ОҚ ЙҮЛ

Эсингиздами, дадажон, ўшанда мен Тошкентда ўқир эдим. Сиз мен билан укамни кўргани борган эдингиз.

Уша кунни эсласам, чуккур ўйга толаман. Дорилфунунининг 1-курсда ўқирдим. Факультетимиз Октябр хибониди даги бинига жойлашган эди. Поезддан эрталаб тушиб, тўғри деканатга борибсиз, мени суриштириб топибсиз.

Ушанда... Эдингиздами, дадажон, қўйингиздан тарки бузилмаган оппоқ, «Лайло» деб ёзилган Андижон дўпписини олиб боргандингиз. Уни бошимга кийдириб, пешонамдан ўпиб қўйдингиз, «оқ йўл» тилгидингиз.

Сизни кузатгани укам билан вокзалга чиқдик. Менга 80, укамга 50 сўм бериб, поезда чиқдиз. Соддалигимдан, сиз берган пулни атлас рўмончага туғиб, ён чўнтагимга солиб қўйган эканмен. Сизни кузатиб, ўша таниш рўмонча ерда ёйилиб ётганини кўрдим. Ҳали орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган эди.

Шу заҳоти берган пулингизни олдириб қўйганимни сездим. Лекин бу ҳолатимни сиздан яшра олмадим. Шунда поезд юриб кетаётган бўлса ҳам ёнингизда қолган 12 сўмни менга узаганини элтирдиз. Илтижо билан сизга тикилганимча поездни кузатиб қолдим.

Ҳамон бир нарседан ҳижолатдеман. Уйимизга қайар

ИЛТИЖО

Сизни кузатгани укам билан вокзалга чиқдик. Менга 80, укамга 50 сўм бериб, поезда чиқдиз. Соддалигимдан, сиз берган пулни атлас рўмончага туғиб, ён чўнтагимга солиб қўйган эканмен. Сизни кузатиб, ўша таниш рўмонча ерда ёйилиб ётганини кўрдим. Ҳали орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган эди.

Шу заҳоти берган пулингизни олдириб қўйганимни сездим. Лекин бу ҳолатимни сиздан яшра олмадим. Шунда поезд юриб кетаётган бўлса ҳам ёнингизда қолган 12 сўмни менга узаганини элтирдиз. Илтижо билан сизга тикилганимча поездни кузатиб қолдим.

Ҳамон бир нарседан ҳижолатдеман. Уйимизга қайар

ҚАТРА ИЗТИРОБ

— Онангнинг қирқидан олдин мазорини бир зиёрат қилайлик, — деди ота ўзига савол назари билан қараб турган қизига. Кейин сўради:

— Аканг қўрнмайдими? — Тўйга кетдилар.

— А? — ота чўққалаб қолди, сўнг қаримсик қўзлариди еш милтиради.

СОАТ

Ўрта яшар бир киши «Қатнов тартиби»дан кўзини узди:

— Аканг қўрнмайдими? — Тўйга кетдилар.

— А? — ота чўққалаб қолди, сўнг қаримсик қўзлариди еш милтиради.

— Алло, бу Олибсатаровнинг уйими? Яхшимисиз? Бевақт безовта этганим учун узр. Ҳўш, уйда у-бу сотади деб эшитдим... Бир нарса жуда зарур бўлиб турибди... Топилдими?

— Малбатта, мопилади.

— Тўшунмадим. Қайси тилда сўзлаясиз?

— Мўзимизнинг милда.

— Барана топкур, тўғри сўзласангиз ёки ҳазиллашялсизми?

— Мундай мўлаганим мурст, мўламаса МОВХСС мўшлал молди. Мўшунарлими?

— Ҳм... Бу ўйингиз — операция «М», шундайми? Яхши ўйлаб топгансиз, ҳар

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

Андижон областининг Дардоқ қишлоғида Илтижон районидаги тикувчилик фабрикасининг филиали очилди. Бу ерда 200 нафар хотин-қиз иш жойига эга бўлди. Кечаги уй бекалари анди болалар учун қўйлақчалар тикнашяпти. Уларни бу ишга асосий корхонада ўргатишди. Яқин вақт ичиди яна эдлик нафар хотин-қиз ишга олинад.

(ЎЗТАГ).

ДАДАЖОН! МЕН СИЗДАН ЯНА БИР НАРСАНИ СЎРАШНИ УНУТГАН ЭКАМАН:

— Сиз айтган ўша ирода-нинг ҳам чегараси борми?

УМИД

1968 йил эди, колхозимизда чоллар бригадаси тузилди. 30 нафар отахонга раҳбар бўлиб ишлаб юрган чоғларингизни сизгага ёганим муҳбир Мамлакат Исмомов келди. Сиз унга:

— Менинг ҳам энг кенжа қизимнинг исми Мамлакат. У ҳозир Тошкентда ўқияпти, — деб гурунланганингиз эсимда.

Мана, баҳор ҳам келди. Сиздек гайратли чоллар далага, болаларга чиқиб қўчат экишга ошқимқодлар. Улар орасидан сизни излайман...

Қалбимда, юрагимда ҳис-туғилар, сизга меҳр-муҳаббатим кечис, амамо ҳаммасини оқ қорозга тушириш қийин...

Ака ва олапарим билан ўтказган гуллар бугун қабрингиз устида берг ёзиб, баҳор шабадасида аста тебронмоқда. Улар худди меҳрингиздан тафти олаётгандай гуркираб ўс-моқда...

Дадажон, сиз айтар эдингиз: — Қизим, қоронғу тундан кейин албатта оппоқ тоғ отади.

Ҳа, шундай бўлса ажаб эмас. Мен қабрингиз устида таъзим қиларканим, келажакдан умидим катта.

Мамлакат МИРЗАЕВА,
СССР Журналистлар уюш-масининг аъзоси.

май, орқасида турган йигитдан сўради:

— Ука, соатингиз йўқми? Йигит индидади. Ҳалиги одам ранжитанамо унинг қўлга қараган эди, узун қўйлақ енгидан сарғиш ясама қўл осилиб турганини кўриб, бир хил бўлиб кетди.

Ботир МАВЛОНОВ.

Чақма

Икром Сўярқулов 1942 йили Зомин районидagi Беш булоқ қишлоғида таваллуд топган. Низоий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология (Ўзбек тили ва адабиёти ихтисоси бўйича) факультетини 1969 йилда тугатган, иш фаолиятини район газетасида корректорликдан бошлаган. 1978—1982 йиллари «Ариасой тоғи» газетасига муҳаррирлик қилган.

Кейинги 5 йилда Дўстлик районидаги Саркисов номи совхоз директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда. Ён фарзандининг отаси.

Шеърини машқлари об-



ласть ва республика матбуотида эълон қилинган. «Рангин лаҳзалар» туркумидан айрим парчалар эътиборингизга ҳавола.

РАНГИН ЛАҲЗАЛАР

Вазият ноқулай,
Вазият оғир:
Емонинг насрига яхши кетмоқда.

Бугун бир файласуф,
Эртага фозил,
Индинга ширини Сибирь кутмоқда.

Шонирин топишдирин,
Ўғли — ўлмадин.
Фозилдин топишдирин,
Ўғли — ўлмадин.
Файласуф фарёди
Кор қилмади, нор.
Ўзон... Магаданда
Бўлади хору зор.
Ақмалдан айрилдин,
Жангиз-жадалсиз.
Файзулла Ҳўжаев
Кетди ажалсиз.

Йўн, улар тириндир,
Йўн, улар тирин.
Жисмонан ўлдилар
Миллати учун.
Одамлар, айтингиз,
Ким жавоб беради,
Бу юртнинг хатоси,
Иллати учун!

Айта беринг,
Юрканда не бор?
Айта беринг, бунга ҳақлисиз.
Етиб келди,
Ҳа, етиб келди
Пешлаб олмақ вақти эдимиз.

«Ақлисиз» ҳам эмасдир,
Мир Алишер авлоди эди.
Вобомиздан бир майна
Ким бўлмасин, тенг бўлиб
едим.

Кийинтирдик
оч-юпунларни,
Миннат эмас,
тарих гувоҳдир.
Яхшиликни юзига қолди —
Билар учун оғир гуноҳдир.

Алломишлар
туғилмай қўйд.
Фарҳодлар-ку

тушга ҳам кирмас.
Кечагина ўтган Гофур
Жамилалар йўқлиги кирмас.
Нега шундай?
Не бўлди ўзи?
Толдиради мени ҳайлар.
Бу саволини
На фақат эркак,
Бир-бирига берад айлар.
Йўн, дўстларим,
Алломиш,
Фарҳод
туғилмайди исталган кунда.
Жамилла
Гуллилар йўқмас...
Гофир, йўлчи ҳали
«сургун»-да!!

Қарға...
гул ҳиди ёқмайди,
Ҳаттоки,
Бир қиё боқмайди.
Езда ҳам худодан
Совуқини тилаб,
Яшайди доимо
гўнгни титкилаб...

Қалбим
бироз топади таскин
Чарқилалак
Ишчи нузатиб.
Оқинга терс
айланар, ленин
Заминга су
берад узабди...

Вотирларинг борми, десалар.
Туттиласдан
айта олайман.
Маъмурчинин,
буярқулозидан
кўтиласдан
айта олайман.
Вотирларинг борми, десалар.
Бор дейишга
ҳақиман, ҳақим.
Бироқ ботир кўпар —
шаксиз —
ўғил-қизи ардоқли халқини!

Икром СЎЯРҚУЛОВ.

КЎРКАМ ВА БЕЖИРИМ

Кониамх районидagi «Шо-Фиркон» совхоз ҳузурида ташкил этилган «Чевар қўл-лар» янги кооперативи ўз махсудотини сота бошлади. Кооператив уй бекаларини бираштиради. Улар жундан болалар ва катта ёшдаги ки-шилар учун кийим-кечак тў-қийдилар. Шартномага ку-ра, совхоз кооператив аъзо-ларини хом ашё билан таъ-минлайди. Кооператорлар ҳозирнинг ўзидаёқ чўп-ларга 4700 сўмлик кийим-кечак сотдилар. Чеварлар ҳозирча қўлда тўқишмоқда, амамо тўқув машиналарига бўрторма бериб қўйилган. Келгуси йилдан бошлаб бу ерда гиламдўзлик цехи ҳам очилади.

(ЎЗТАГ).

СПОРТ АХБОРОТИ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Стокгольмда ўтказилган йирик халқаро мусобақада мамлакатимиз вакиллари му-ваффақиятли қатнашиб, учта олтин ва иккита кумуш ме-далларни қўлга киритдилар. Зафар кучанлар орасида ҳамшаҳримиз — хизмат кў-раган спорт устаси, Сеул олимпиадасининг совриндо-ри Раднон Гатаулин ҳам бор. У лангартўп билан сакраш-да 5 метр 80 сантиметр ба-ландликни забт этиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори по-ғонасига кўтарилди.

Москвалик Галина Чистя-кова узунликка сакрашда (6 метр 75 сантиметр) голиб чиқди. Брянсклик Галина Мальчугина 200 метрга югу-ришда марра чизиниға би-ринчи бўлиб етиб келди.

Киев областининг Брова-ри шаҳрида олимпиада ре-зервлари билим юртлари ва-мандалари ўртасида Бутун-иттifoқ мусобақаси бўлиб ўтди. Унда республикамиз спортчилари ҳам иштирок этдилар. Тошкентлик А. По-тоцкий узунликка сакрашда энг яхши натижага (7 метр 74 сантиметр) эришди. Унинг қомандасида Е. Мон-стакова 800 ва 1.500 метр-ли масофаларга югуришда голиб чиқди.

ЭРКИН КУРАШ

Кубада ўтказилган йирик халқаро мусобақада 13 мам-лакатнинг энг кучли полво-члари ўзаро беллашдилар. Турнир якунида бекободлик А. Темурхоновнинг шоғирди Ф. Муртазин (68 килограм-гача вазнда) олтин медалини қўлга киритди. Нукуслик Баҳодир Қалимбетов 48 ки-лограммага вазнда бешин-чи ўрнини эгаллади.

ШАХМАТ

Линаресдаги халқаро му-собақанинг ўнинчи тури ҳам қизгин баҳсларга бой бўлди. Жаҳон чемпиони Каспаров Белявский билан дурант ўй-нади. Шунингдек, Илсекес — Иванчук, Шорт — Юсупов ва Портиш — Спасский пар-тияларида кучлар тенг ке-либ, рақиблар очкони баҳам қурдилар. Гельфанд — Лю-бович учрашуви нечикти-рилди.

Кечиктирилган партиялар олтидан ўн имкониятдан 7 очко тўплаган Каспаров пеш-қадамлик қилапти. Гель-фанд, Иванчук ва Салов ҳи-собида 6 тадан очко бор.

ТЕННИС

Американинг Мемфис шаҳ-рида йирик турнир давом этапти. Унда қатнашаётган москвалик Андрей Чесноков учинчи даврада ГФР теннис-чиси Михаэл Штигга ют-қазди.

ХОККЕЙ

Олий лигада бир учра-шув бўлиб ўтди. Москва армиячилари Киевнинг «Со-кол» командасини қабул қилдилар. МАСК хоккейчи-лари 7:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.



ПАРКЕНТДА ТАРАДДУД

Намданак — райондаги дилбар қишлоқлардан бири. Бу ерда 85 баҳорини қарши-лаётган йўлдош ота Одилов истиқомат қилади. У 1930 йили колхоз тузилишида фа-ол қатнашган, олдиё деҳқон, бригада бошлиғи, хўжалик раҳбари бўлиб ишлаган. Қа-тор-қатор орден ва медалла-ри бор.

Йўлдош ота ҳозир пен-сияда. Ҳаётда ўз йўлини то-пиб кетган 10 нафар фарзан-ди, 30 дан эъд набиралари-



Айни пайтда райондаги 22-мактабнинг ёш ҳаваскор-лари ҳам Наврўз оламга тайёргарлиқни қизитиб юбо-ришган. Улар умумхалқ бай-рамига атаб янги қўшиқ ўр-ганишмоқда.

Наврўз фақат шоду ху-рамликнинг ўзини эмас, меҳнат гашти ҳамдир. Мак-таб тажриба даласига, кўча-лар, ариқ бўйларига кўчат ўтказиш унга янада файз-ба-рака киритади. Ниҳоллар хо-сига қирғач, дастурхонимиз бундан ҳам тўқин бўлади.

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.



«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» —
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета
Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском
и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қўриғиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масыул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масыул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.